

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 5 март, № 44 (9215)

Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТЛАРДА ЯҚИН ШАРҚДАГИ ҲОЗИРГИ МУРАККАБ ВАЗИЯТ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 март куни Ўмон Султони Ҳайсам бин Торик Ол Саид, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, Кувайт Давлати Валиаҳди Шайх Сабоҳ ал-Ҳамад ал-Ҳамад ас-Сабоҳ, Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Баҳрайн Подшоҳи Ҳамад бин Исо Ол Халифа ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн билан телефон орқали суҳбатлашди.

Ўмон Султони Ҳайсам бин Торик Ол Саид билан мулоқотда Яқин Шарқдаги ҳозирги мураккаб вазият муҳокама қилиниб, юзага келган беқарорлик жиддий ташвиш уйғотаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Президентини Ўмон ҳудудига содир бўлган бундай ҳаракатлардан хавотирда эканини билдириб, Ўзбекистон ҳар қандай қарама-қаршилик ҳамда зиддиятни сиёсий-дипломатик ва тинч йўллар билан, музокара орқали ҳал қилишнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Султонлиқнинг минтақада хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга ошириш келаётган фарқ вазиятнинг роли ва изчил саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, Ўмонда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни Ватанига қайтариш учун яратилаётган шарт-шароит учун Султон Аъло Ҳазратларига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ўз навбатида, Ўмон Султони Ўзбекистон етакчисига ҳамжиҳатлик ва бирдамлик туйғулари учун ташаккур изҳор этиб, Маскатга бўлажак олий даражадаги тарихий ташриф юксак савияда ўтишига ишонч билдирди.

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан суҳбатда томонлар охириги кунларда Яқин Шарқ минтақасидаги вазият тобора кескинлашиб, низо ва зиддият-

лар авж олаётгани қаттиқ ташвишга солаётганини қайд этди.

Муқаддас Рамазон ойида рўй бераётган бундай ноҳус ҳолатлар халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид эканлиги ҳамда тинчлик-осойишталикка таҳдид солаётган ҳар қандай ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мураккаб давларда Ўзбекистоннинг стратегик шериги ва яқин ҳамқори бўлган Бирлашган Араб Амирликлари раҳбарияти ва халқи билан бирдам ва яқдил эканини билдирди.

Ҳозирда ушбу мамлакатда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларига кўрсатилаётган амалий қўллаб-қувватлагани, кўрсатаётган биродарлик ҳурмати ва ҳамжиҳатлик руҳи учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Ўз навбатида, Амирликлар етакчиси ушбу сиёсий давларда Ўзбекистон Президентининг самимий қўллаб-қувватлагани, кўрсатаётган биродарлик ҳурмати ва ҳамжиҳатлик руҳи учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Кувайт Давлати Валиаҳди Шайх Сабоҳ ал-Ҳамад ал-Ҳамад ас-Сабоҳ билан мулоқот чоғида охириги кунларда Яқин Шарқ минтақасида вазият кескинлашаётгани, мамлакатдаги турли инфратузилма объектларига берилган зарбалардан жиддий хавотир билдирди. Бундай салбий ҳаракатлар халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид эканлиги ва ушбу сиёсий давларда Ўзбекистон биродар Кувайт халқи билан бирдам ҳамда елкадош экани таъкидланди.

Аҳолининг тинчлиги ва осойишталигига жиддий хавф туғдирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш зарурлиги қайд этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз раҳбари бундан бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларига кўрсатилаётган амалий ёрдам учун алоҳида ташаккур айтди. Шунингдек, Кувайт Амири Мишъл ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Аъло Ҳазратларига илиқ саломларини йўллади.

Ўз навбатида, Кувайт Валиаҳди ҳозирги қийин вақтда изҳор этилган дўстона қўллаб-қувватлаш ва бирдамлик туйғулари учун Ўзбекистон етакчисига мамлакат раҳбарияти ва халқи номидан чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан суҳбат давомида Яқин Шарқдаги вазиятнинг кескинлашуви ва зиддиятлар минтақавий барқарорлик ва тинчликка жиддий таҳдид солаётгани таъкидланди. Муқаддас Рамазон ойида мусулмон уммати ўрта-сидаги келишмовчиликни кучайтирадиган номақбул ҳаракатлардан чуқур хавотир ифода этилди.

Давлат суверенитети, тинчлиги ва осойишталигига хавф солувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш минтақа давлатларининг умумий манфаатларига хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон етакчиси Қатарда бўлиб турган фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъ-

минлаш ва уларни Ватанига қайтариш бўйича кўрилатган чоралар ҳамда яратилган шароит учун Амир Аъло Ҳазратларига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ўз навбатида, Қатар Амири ҳозирги сиёсий кунларда Ўзбекистон Президентига дўстона мулоқоти, доимий равишда қўллаб-қувватлаб келаётгани, билдирган самимий бирдамлик сўзлари, икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришга қаратаётган катта эътибори учун алоҳида ташаккур изҳор этди.

Баҳрайн Подшоҳи Ҳамад бин Исо Ол Халифа билан мулоқот давомида Яқин Шарқда кузатилаётган сўнги жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатаётган масалалар муҳокама қилинди.

Муқаддас Рамазон ойида мусулмон уммати ҳамжиҳатлик, яқин биродарлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик тамойиллари асосида бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва маддакор бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Мамлакат тинчлиги ва фуқаролар осойишталигига жиддий хавф соладиган, беғуноҳ инсонларнинг азият чекишига сабаб бўлаётган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, барча муаммоларни фақат дипломатик ва музокара йўли орқали ҳал этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатимиз етакчиси бундай мураккаб ва сиёсий шарт-шароитда Баҳрайн раҳбарияти ва халқи билан бирдам ва ҳам-

жиҳат эканлигини изҳор этди. Ўз навбатида, Подшоҳ Ҳамад бин Исо Ол Халифа давлатимиз раҳбарига шундай сиёсий кунларда эътибор кўрсатиб, қилган телефон кўнғироғи, кўрсатган чин дўстлиги ва самимий қўллаб-қувватлови учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн билан мулоқот давомида сўнги кунларда Яқин Шарқда кузатилаётган жараёнларнинг кескин тус олиши минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ҳамда давлатлараро муносабатларга жиддий путур етказяётгани алоҳида таъкидланди.

Бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ойида мамлакатлар суверенитети, фуқаролар тинчлиги ҳамда осойишталигига хавф туғдирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, низо ва муаммоларни тинч ва дипломатик йўллар билан ҳал этиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз етакчиси бундай сиёсий давларда Иордания раҳбарияти ва халқи билан яқдил ва бирдамлигини таъкидлади.

Ўз ўрнида Иордания Подшоҳи ушбу сиёсий кунларда чин дўстлик, самимий қўллаб-қувватлаш ва ҳамжиҳатлик сўзлари учун Президентимизга чуқур миннатдорлик изҳор этди. Яқин истиқболда Аммонга бўлажак олий даражадаги тарихий ташриф юксак савияда ва сермахсул ўтишига қатъий ишонч билдирди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 10 МАРТ — ХАЛҚАРО АЁЛ СУДЬЯЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз суд органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, соҳага оид ислохотларни чуқурлаштириш, оид судловни адолат, холислик ва шафқатли тамойиллари асосида амалга ошириш орқали Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улғулаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб хисса қўшаётгани, юксак профессионал маҳоратини намояндалар этиб, хизмат бурчини ўз касбига садоқат билан бажариб келаётгани, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

- «Меҳнат шухрати» ордени билан**
1. Астанава Умсун — Ўзбекистон суд органлари фахрийси
- «Дўстлик» ордени билан**
2. Балкибаева Жаангул Исмаилова — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси
- «Мардлик» ордени билан**
3. Рабиева Муҳаббат Миржалилова — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
- «Жасорат» медали билан**
4. Ешназарова Гулистан Алланазаровна — Қорақалпоғистон Республикаси судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси
  5. Шамсутдинова Эльза Рифовна — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
- «Содиқ хизматлари учун» медали билан**
6. Асранова Гулнорахон Абдурауловна — Андижон вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси
  7. Болтаходжаева Ирода Абдукаримовна — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
- «Шухрат» медали билан**
8. Аймаганбетова Жанат Бисенбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьяси
  9. Дусматова Махсуда Мусурмоновна — Тошкент вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси
  10. Юлчиева Сохибахон Қодиржоновна — Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Янгиқўрғон туманлараро судининг раиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2026 йил 4 март

## Учрашув

## ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Спикер Н. Исмоиловнинг Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М. Ислам билан учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида меҳмон томонига янги тахирдаги Конституция ва «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Элчи самимий қабул учун миннатдорлик билдирган экан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнги йилларда Ўзбекистон тез суръатларда ривожланаётгани ва кўпгина халқаро тадбирлар марказига айланганини алоҳида қайд этди.

Конструктив руҳда кечган учрашувда икки мамлакат

парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Элчи Ўзбекистон ва Бангладеш ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлигининг ўрнатилиши икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим йўналишлардан бири эканини алоҳида таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистонда «Ўзбекистон — Бангладеш» парламентлараро дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳининг тузилганини юқори баҳолади.

Учрашув охири ҳамда дўстона руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АҲОЛИ ДАРОМАДИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИДА ЎЗ АКЦИНИ ТОПАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва келгуси устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнги йилларда амалга оширилган янги ланишлар натижасида вилоят иқтисодиётида муҳим таркибий ўзгаришлар рўй бергани қайд этилди. Илгари, асосан, қишлоқ хўжалигига боғлиқ қолган ҳудудда саноат ва хизматлар соҳаси жадал ривожланиб, бизнес муҳити яхшиланди, илғор тадбиркорларнинг қатлами шаклланди.

Утган йили Сирдарё вилояти иқтисодиёти 9,8 фоизга ўсди. Саноат ишлаб чиқаришида 8,2 фоизлик ўсish таъминланиб, бу кўрсаткич бўйича вилоят ҳудудлар орасида тўртинчи ўринни эгаллади. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ҳам изчил ўсиб бормоқда. 2017 йилда 10 миллион сўмини ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, 38,1 миллион сўмга етди, яъни қарийб 3,8 баробарга ошди.

Утган йили вилоятда 42 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, уларнинг умумий қиймати 333 миллион доллардан ошди. Ушбу лойиҳалар доирасида 17,5 миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Йиғилишда Сирдарёни Хитой тажрибаси асосида илғор инновацион ҳудудга айлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталинди. Хитой провинциялари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик йўлига қўйилди.

Шунингдек, Корея Республикаси, Япония ва Малайзияга амалга оширилган хизмат сафарлари доирасида қатор инвесторлар билан музокара ўтказилди, юзлаб миллион долларлик лойиҳалар шакллантирилди. Жумладан, Гулистон туманида 300 миллион долларлик қорвачилик мажмуаси ва болалар учун озик-овқат ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича келишувга эришилди. Янгиер шаҳрида Франциянинг «Bonduelle» компанияси билан ҳамкорликда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт, косметика саноати, агросаноат ва қайта иш-

лаш соҳаларида ҳам янги инвестиция ташаббуслари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Ширин шаҳрида дата-марказ, Гулистон шаҳрида инкубация ва акселерация марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар шакллантирилган.

Йиғилишда жорий йилда вилоятга 3 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ва экспорт ҳажмини 500 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг ҳисобига ялпи ҳудудий маҳсулотни 9 фоизга, саноатни 8,2 фоизга, хизматлар соҳасини 15,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6,8 фоизга ва қурилиш ҳажмини 15 фоизга ошириш режалаштирилган.

Бандлик ва камбағалликни қисқартириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қaratилди. Утган йили камбағаллик даражаси 11,3 фоиздан 6,2 фоизга туширилди. Бироқ бу кўрсаткич хали ҳам республика ўртача даражасидан юқори экани қайд этилди.

Жорий йилда тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 10 триллион сўм ресурс ажратилмоқда. Мазкур маблағлар асосида 185 миң аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизлик даражасини 4,6 фоизгача, камбағалликни эса 3 фоизгача қисқартириш режалаштирилган. Гулистон, Ширин, Янгиер шаҳарлари, Сардоба, Сайхунобод, Сирдарё ва Ховос туманларини ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш чоралари кўрилади.

Бу борада «Меҳнатсевар аёл», «Тенг имкон — инклюзив бандлик», «Бир маҳалла — бир маҳсулот» каби дастурлар доирасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳалларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Йўналтирилган 100 миллион доллар ҳисобига вилоятда 47 та мактаб, 45 та боғча, 35 та тиббиёт муассасаси ҳамда 18 та спорт ва

маданият объектини тўлиқ таъмирлаш топширилди.

Утган йилда Гулистон шаҳридаги 22 миң хонадонни узулқисиз ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Мирзаобод, Сардоба, Боёвут, Ховос туманлари ва Янгиер шаҳридаги 12 миң хонадон ҳам доимий ичимлик суви билан таъминланмоқда.

Мухандислик инфратузилмасини ривожлантириш доирасида жорий йилда 349 километр электр тармоқлари қуриш, 99 та трансформатор ўрнатиш, шунингдек, сув тармоқларини кенгайтириш ҳисобига аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 89,5 фоизга етказиш режалаштирилган.

Шунингдек, вилоятда уй-жой қурилиши жадал давом эттирилмоқда. 2026 йилда 3,5 миң хонадондан иборат 80 та кўп қаватли уй қуриш, жумладан, 1,5 миң хонадонни «Янги Ўзбекистон» массивларида барпо этиш ҳамда реновация дастури асосида янги уй-жойлар қуриш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалигидаги имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Сирдарёда экин майдонлари жон бошига бошқа қатор ҳудудларга нисбатан анча кўп бўлиб, сув таъминоти ҳам яхши. Бироқ мева-сабзавот экспорти ҳозирча 60 миллион доллардан ошмаётгани қайд этилди.

Бу борада «Сирдарё агро инвест» компаниясини ташкил қилиб, Ховос туманида сув тежовчи ва юқори агротехнологиялар асосида даромадли экин майдонларини шакллантириш ҳамда уларни «тайёр бизнес» шаклида аҳолига тақдим қилиш режалаштирилган. Дастлаб 12 миң гектар ер майдонида ушбу механизмни жорий этиш кўзда тутилган.

Жорий йилда 20,8 миң гектар ер майдонида сув таъминотини яхшилаш ва 748 миллион куб метр сувини тежаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Венгрия тажрибаси асосида Ховос туманидаги қатор маҳалларда «ақли қишлоқ» пилот лойиҳасини амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Унда маҳалларга ажратилаётган маблағлар шарт-шароити, хавфсизлик, экологик ҳолат, эфти-ёманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик имкониятларини ҳақиқатда маълумотлар очик рақамли тизим орқали аҳолига етказиб берилади.

Йиғилиш якунида мутасаддиларга қатор аниқ топшириқлар берилди. Жумладан, Гулистон шаҳридаги «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасида камида 5 миң иш ўринли инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш, кўш панеллари ишлаб чиқариш бўйича 100 миллион долларлик лойиҳани ишга тушириш, «Феруз» подстанцияни трансформаторларини модернизация қилиш вазифалари белгиланди.

Шунингдек, Боёвут туманида «Султонхўвот» сув омбори қурилиши бўйича техник-иқтисодий асос ишлаб чиқиш, вилоят йўллари таъмирлаш учун халқаро молия институтлари маблағларини жаб қилиш, Мирзаобод туманида анорни сақлаш ва қайта ишлаб агромажмуасини ташкил этиш ҳамда замонавий кўпқатлиқ марказларини очиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз ёшларни замонавий касб ва тилларга ўқитишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, халқаро стандартлар асосида малакани баҳолаш марказларини ташкил этиш ва камида 2 миң ёшни касб-хўнарга тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари вилоятда амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа аҳоли даромади ва турмуш даражасида ўзининг амалий аксини топиши лозимлигини қайд этиб, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

## Эътибор

## ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан олий таълим тизимида илм-фанни ривожлантириш, инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва илмий салоҳиятини юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришган бир гуруҳ хотин-қизлар Олий Мажлис Сенати Раисининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланди.

Тақдирлаш жараёнида ҳар бир иштирокчининг фаолияти алоҳида тилга олинди, унинг жамоадаги ўрни ва амалий ишлари ҳақида сўзлаб берилди.



Навоий вилояти — нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёнинг ийрик саноатлашган ҳудудларидан бири. Унинг улкан иқтисодий салоҳияти узоқ йиллар давомида Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарлари, Мурунтоғ, Зафаробод ва Даугузтау кўрғонлари аҳолиси турмушида муҳим ўрин тутади, урбанизация жараёнларининг жадаллашувиغا хизмат қилди.

Бугун ҳам республикада ишлаб чиқарилаётган рангли металл, минерал ўғит ва цементнинг салмоқли қисми вилоятдаги «Навоий кон-металлургия комбинати», «Навоийазот», «Қизилқум-

цемент» АЖларда тайёрланади. «Навоийурган» давлат корхонаси ўз йўналишида ягона ийрик ишлаб чиқарувчи сифатида фаолият юритмоқда. Мамлакатимиздаги электр энергиясининг

катта қисми Навоий иссиқлик электр станция тармоқлари орқали ҳудудларга узатилади.

Қисқаси, макташга арзигулик кўрсаткичлар талай. Бироқ бу рақам ва фактлар вилоятда узоқ йиллар давомида шаклланган ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий муҳитни, аҳоли турмуш даражасини ўлкали акс эттиради, деб бўлмайд.



Сенат қўмитасида



ЁШ АВЛОД ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлиқни тақомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва кучли таъсир кучига эга моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги 5 йилда республикада аниқланган нарқожинотлар 2 бараварга, ноқонуний муомаладан олинган гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари 67 фоизга, шундан синтетик гиёҳвандлик воситалари 80 бараварга кўпайган.

Ушбу қонун бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналогларининг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлиқни кучайтириш, мавжуд нормалардаги бўшлиқларни тўлдириш орқали амалдаги қонунчиликни тақомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Сенаторлар алоҳида қайд этганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда нарқожинотчиликка қарши курашиш бўйича жиддий ҳуқуқий сиёсатнинг тубдан ўзгаришига, аҳоли генофондига таъсир этувчи уюшган нарқожинотларга қарши курашиш самардорлигининг ошишига, воғна етмаган ва ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ҳамда уларни нарқожинотлардан ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

Шундан сўнг Олий Мажлис Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар оғиб қолганларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари томонидан риоя этилиши ҳақидаги маърузаси ҳам муҳокамага тортилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — БМТ: ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетиди Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: 34 йиллик ҳамкорлик тажрибаси ва истиқболлари" мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбати

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари экспертлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат фаолияти концепцияси доирасида дунё давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан очик, конструктив ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар орқали минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашда муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистон халқаро даражада ташаббуслари фаол илгари сураётганиги, минтақавий ва глобал масалаларни ҳал этишда мамлакатимиз нуфузи ошиб бораётгани алоҳида айтилди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг БМТ доирасидаги ташаббуслари резолюция сифатида қабул қилинаётгани, хусусан, ушбу ташаббуслар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда Оролбўйи ҳудудини ривожлантиришга ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

Давра суҳбати якунида Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларини янада чуқурлаштириш ҳамда парламент дипломатияси имкониятларидан фойдаланиш бўйича тақдирлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».



ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Таъкидланганидек, эътироф этилганлар олий таълим ташкилотларида илм-фан, таълим сифати, инновация ва гендер тенгликни таъминлаш соҳаларида самарали фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг ташаббуси билан муҳандислик ва IT йўналишларида хотин-қизлар учун инклюзив таълим марказлари ташкил этилган, "STEAM" илмий-тадқиқот лабораториялари, Психология ва Трансформация марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Тақдирланганлар орасида

юзлаб илмий ишлар, монография ва дарсликлар муаллифлари, ўнлаб фан докторлари (DSc) ва фалсафа докторларини (PhD) етиштириб чиқарган устозлар бор. Уларнинг гендер тақдирлари ва хотин-қизлар фаолигини оширишга доир илмий изланишлари мамлакатимиз илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани қайд этилди.

Айниқса, инновация ва иختирчилик соҳасидаги натижалар алоҳида санаб ўтилди. Жумладан, 9 та патент муаллифи бўлган, эндокринологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган амалий ишланмаларни жорий этган, ўнлаб рационализиаторлик тақлифларини амалиётга таъбиқ қилган олимлар фаолияти юксак баҳоланди.

Шунингдек, олий таълим ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгашлирининг фаол раҳбарлари ҳам тақдирланди.

«Халқ сўзи».

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ ХАРИТАСИ

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган галдаги муҳим йиғилиш Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантиришнинг янги, янада жадал босқичини бошлаб берди. Унда сўнгги йилларда ҳудуд иқтисодий тарихида амалга оширилган туб бурилишлар ўз самараларини бераётгани таъкидланиб, навбатдаги истиқболли лойиҳалар халқ ҳаётида ижобий ўзгаришларга замин хоҳирлаши қайд этилди.

Акс садо

Айтиш жоизки, Қорақалпоғистон нафақат ўзининг бепойи ҳудуди, балки ер ости бойликлари билан ҳам мамлакат иқтисодийнинг муҳим таъинига айланмоқда. Рақамларга эътибор беринг: 270 млн. тонна цемент ва 200 млн. тонна оҳак, 256 млн. куб метр пардозбоп тошлар, шиша, гипс, вермикулит ва керамзит каби қурилиш материалларининг улкан захиралари ҳудудини йирик қурилиш материаллари кластерига айлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлаётди. Эндиги вазиға — бу бойликларни шунчаки қазиб олиш эмас, балки уларни чўқур қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришдан иборат.

Бундан саккиз йил аввал Қорақалпоғистон иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳисобланган кўрсаткичлар бўйича республикада энг охириги ўринда эди. Бугун эса ислотлар туфайли ҳудуд бу йўналишда 7-ўринга кўтарилди. Экспорт салоҳиятидаги ўзгаришлар ҳам диққатга сазовор. Саноат маҳсулотларининг экспортдаги улуши 4 фоиздан 30 фоизга өтди. Умумий экспорт ҳажми ўн йил аввалгига нисбатан 3,5 баробар өшиб, 2,1 млрд. долларни ташкил этгани, бу — ҳудудий тадбиркорлик ҳамда ташқи савдо алоқалари янги сифат босқичига чиққанининг амалдаги исботи.

Йиғилишдан мурдао

Президентимиз мазкур йиғилишда муҳим бир тамойилни илгари сурди: "Қаерда соғлом муҳит ва адолат бўлса, инвестор ўша ерга келади". Қорақалпоғистоннинг ўзига хос географик жойлашуви — туманлараро масофанинг узоклиги ҳар бир ҳудуд учун алоҳида, аниқ ҳисоб-китобга асосланган ривожланиш моделини талаб қилади. Келгуси 5 йилда ҳудуд иқтисодиётини 102,5 трлн. сўмга өтказиш ва 7,2 млрд. долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режаси айнан шу шаффоф тизим асосида қурилади.

Йиғилишдан мурдао — инсон қадрини юксакликка кўтариш, одамларни рози қилиш ва аҳоли фаровонлигига эришишдир. Шу нуктага назардан, жорий йил якунига қадар белгиланган вазифалар аниқ ва равшан. Ишсизликни 4,2 фоизга, камбағалликни 3,2 фоизга тушириш, Нукус шах-

ри, Кўнғирот ҳамда Чимбой туманларини ишсизлик ва камбағалликдан тўлиқ холи ҳудудга айлантириш, "оғир" тоифадаги Бўзатов, Қонлиқўл, Мўйноқ ва Шуманай туманларида камбағалликни 2 баробар қисқартириш — асосий мақсадлардир. Айтмоқчимизки, мажлис Қорақалпоғистоннинг келгуси беш йиллик тараққиёт харитасини белгилаб берди. Мавжуд улкан ресурс ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳудудни комплекс ривожлантиришга қаратилган ислотлар натижасида Оролбўйи минтақаси нафақат саноат маркази, балки фаровон ҳаёт ва юқори даромадли ҳудуд тисмолига айланади.

Қорақалпоғистоннинг иқтисодий қиёфасини бутунлай ўзгарирайдиган стратегик лойиҳалар ва инқилобий ёндашувлар эълон

«Қорақалпоғистон бугун катта трансформация остонасида турибди. Сунъий интеллект, "яшил" энергетика ва "ақлли" аграр технологияларнинг уйғунлашуви ҳудудни Ўзбекистон иқтисодиётининг янги лоқомитивига айлантиради. Берилган имтиёзлар ҳамда белгиланган йирик лойиҳалар нафақат иқтисодий рақамларни өширади, балки минглаб янги иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.»

қилинган бизни жуда қувонтирди. Эндиликда ҳудуд нафақат саноат маркази, балки юқори технологиялар ва "ақлли" қишлоқ хўжалиги полигонига айланади. Шу мақсадда аввал берилган имтиёзлар мурдатининг ўзайтирилиши тадбиркор-инвесторлар учун ҳам энг муҳим хушхабар бўлди. Бу ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 2,5 баробарга өшириш имконини беради.

Тақдим этилган лойиҳалар ўзининг қўлами ва инновационлиги билан ажралиб туради. Аввало, юқори технологияларга эътибор қўйилиши. Тахминан тунданида модулли интеллектуал ҳисоблаш марказининг ташкил этилиши ҳудудда сунъий интеллект экотизимини яратишга хизмат қилади.

Эндиликда автосаноат ҳамда кластерлар барпо этиш масаласи ҳам устувор вазиға



бўлади. Нукус шахрида автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган технологик кластерга асос солинади. Ўз навбатида, ноб ёшлаб чиқариш диққат марказига қўчиб, Қораўзақ туманида кўмирдан олтин ажратиб олиш фабрикаси, базаўт толаси ишлаб чиқариш ва чикиндилардан электр энергияси олиш каби лойиҳалар ҳудуд иқтисодиётининг диверсификациясини таъминлайди. Тахтақўпир ва Чимбой туманларида пахта тозалаш ҳамда йиғириш қувватлари янада кенгайтирилади.

Ҳудуд катта трансформация остонасида

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ҳам улкан салоҳиятга эга. Аммо имкониятлардан етарли фойдаланилмаётган. Давлатимиз раҳбари ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан фойдаланиш даражаси настилигини танқидий таҳлил қилди. Дарҳақиқат, 16 млн. гектар фойдаланилмаётган майдон — бу улкан бойлик. Эндиликда асосий эътибор сувсизлик ҳамда шўрга чидамли эканларни экиш, экспортбоп доривор гилёлар плантацияларини ташкил этиш, фармацевтика саноати учун хомашё етиштиришга қаратилади.

Айни пайтда чорвачиликни ривожлантириш учун Қорақалпоғистон Вазирлиги Кенгаши раисининг алоҳида ўринбосари лавозими жорий қилиниши ушбу соҳанинг стратегик аҳамиятини кўрсатади. Бу борада сунъий интеллект ёрдамида мониторинг ўтказиш йўлга қўйлади. Яйловлар ва ўсимликлар ҳолати бўйича сунъий интеллект орқали назорат олиб борилади, касалликлар эрта аниқланади. Беурни туманида йилга 36 минг тонна озуқа ишлаб чиқарадиган замонавий агромажмуа ва бошқа туманларда сақлаш-қадоклаш лойиҳалари ишга тушади. Жорий йилда 10 минг гектар яйлов қайта тикланади ҳамда сув тежовчи технологиялар кенг қўлланади.

Демак, Қорақалпоғистон бугун катта трансформация остонасида турибди. Сунъий интеллект, "яшил" энергетика ва "ақлли" аграр технологияларнинг уйғунлашуви

ҳудудни Ўзбекистон иқтисодиётининг янги лоқомитивига айлантиради. Берилган имтиёзлар ҳамда белгиланган йирик лойиҳалар нафақат иқтисодий рақамларни өширади, балки минглаб янги иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Туризм ривожига янги ҳаёт

Бугун туризм йўналиши иқтисодиётнинг муҳим драйверига айланмоқда. Шу маънода, мажлисда тақдим этилган истиқболли лойиҳалар Қорақалпоғистоннинг ҳам иқтисодий, ҳам технология, ҳам туристик харитасини тубдан янгилашга қўмақлашади. Эндиликда ушбу ҳудуд замонавий технологиялар асосида ноб туристик маршрутлар марказига айланади. Негаки, Қорақалпоғистоннинг бетақорр табиати бутун дунё сайёҳларини ўзига оҳанграбдек тортади. Белгиланган галдаги муҳим вазиғалар бу борада мутолақа янги ёндашуви тақдим қилади.

Жумладан, Устюрт платоси ҳамда Оролбўйининг ўзига хос манзаралари асосида "Марс сайёраси"ни эслатувчи маҳсул ва "Борса-келмас" афсонавий туз кони ҳудудига йирик туризм-рекреация зоналари қурилади. Орол денгизи тарихи музейи энг замонавий технологиялар асосида модернизация қилиниб, экологик фожиа оқибатлари ва ҳудуднинг ўтмиши дунёга намойиш этилади. Натижада жорий йилда 500 минг хорижий ҳамда 3 млн. маҳаллий сайёҳнинг жалб қилиши имконият яратилади.

Қорақалпоғистоннинг географик ўрни унинг энг катта устунлигидир. Буни амалга кўчириш учун Кўнғирот "қуруқ порти"да 2027 йилгача халқаро стандартларга жавоб берувчи "Орол" логистика маркази ташкил этилади ҳамда бўлди. Бу ҳудуднинг транзит салоҳиятини кескин өширади. Ичимлик суви ва йўл қурилишига умумий ҳисобда 2,2 трлн. сўм ҳамда 200 млн. доллар маблағ йўналтирилиши аҳоли турмуш сифатини янги босқичга кўтарди.

Ҳудуднинг улкан ресурслари, инвестициялари ва интеллектуал салоҳияти билан, ислотлар натижалари қозғоғда эмас, аҳоли ҳаётида акс этади. Зеро, йиғилишда белгиланган вазифалар барча даражадаги раҳбарлар учун аниқ "Йўл харитаси" бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Алишер УББИЕВ, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ректори.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



АМАЛИЙ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб шу йил 24 февраль кун Президентимизнинг ёшлар билан учрашуви, йигит-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича илгари сурилган қўшимча имкониятларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Ёшлар билан очик мулоқот мамлакатимиз тараққиётида инсон капиталига таянган стратегик ёндашув изчил давом этаётганини яна бир бор намойён қилгани айтилди. Давлатимиз раҳбари юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини алоҳида таъкидлагани ургунланди.

Дарҳақиқат, бугун биз, ёшларга ишонши ва имконият яратиши — давлат сиёсатининг устувор вазиғасига айланади. Мазкур ёндашув амалий қарорлар билан мустаҳкамланмоқда, — дейди фракция аъзоси Бехзод Тўхтамуродов. — Ёш депутат сифатида давлатимиз раҳбари томонидан йигит-қизларга яратилаётган кенг қўламли имкониятлар билан алоҳида қайд этиш жоиз.

Фракция аъзолари ёшлар муваффақиятини таъминлашда таълим тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини, бугун соҳада амалга оширилаётган ишлар натижасида дунёнинг нуфузли олийгоҳларида тахсил олаётган талабаларимиз 500 нафардан, "ТОП — 100" тахсилдаги олийгоҳларда ўқиётган ёшларимиз 3,5 минг нафардан ошганини таъкидлади. Йиғилишда, шунингдек, 26 — 28 февраль кунлари фракция аъзоларининг сайлов округларидаги ўрганиш якунлари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Айтилганидек, фракция аъзолари ўрганишлар давомида жами 235 та объектда бўлди. Шундан, 69 та хонадонлар ҳисобланади. Учрашувларда қамраб олинган 6116 нафар сайловчидан

279 нафарини тадбиркорлар ташкил этди. Шу билан бирга, 68 та ижтимоий соҳа объекти ҳамда 74 та маҳалла фуқаролар йиғинида учрашувлар ўтказилди. Депутатлар томонидан 108 нафар фуқаронинг қабули ташкил этилди.

Фракция аъзолари сайлов округларида олиб борган фаолияти давомида аҳолини ўйлантираётган масалалар ва уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувлар давомида сайловчилар томонидан 54 та муаммо кўтарилган бўлиб, уларнинг 7 таси, яъни 14,8 фоизи жойида ҳал қилинган. Улар, асосан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси, аҳоли бандлиги, таълим, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, савдо ҳамда машиқ хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик, ижтимоий соҳа объектиларини таъмирлаш ва қуриш, транспорт ва йўл қурилиши, маданият ва спорт, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига тааллуқли масалалардир.

— Ўрганишлар давомида мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислотларнинг аҳамиятини аҳолига етказиш бораберида, уларнинг ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратдик, — дейди фракция аъзоси Тоҳир Полвонов. — Шунингдек, Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам тушунтириш бериб, ҳар бир масалага инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги нуқтаи назаридан қаралаётганини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бердик.

Муҳокама жараёнида жойларда кўтарилган масалаларни тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари белгилаб олинди.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоларининг Ўзбекистон Миллий университети талабалари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Хусусан, ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Янги тахрирдаги Конституцияда ёшларга оид қатор нормалар акс этди.

Учрашувда Қонунчилик палатасининг фаолияти тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди. Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ва Ёшлар парламенти иш фаолияти ҳақида сўз юритилди.

Бундан ташқари, депутатлар давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида улар бандлигини таъминлаш, касбунарга йўналтириш, тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бора-сида илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятига тўхталиб, мазкур чора-тадбирлар соҳадаги ишларни янги босқичга

олиб чиқишини қайд этди. Очик ва самимий рўхда ўтган мулоқотда талаба-ёшлар қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уларни дастлабки тарзда, сўнгги биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқиш, ялпи мажлис муҳокамасига киритиш билан боғлиқ муҳим масалалар юзасидан ҳам тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлди.

Учрашувда ёшларни қизиқтирган саволларга депутатлар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

— Депутатлар билан мулоқотимиз чоғида қонун ижодкорлиги, парламент назорати таъминлаш, сиёсий партиялар фракциялари ва қўмита иш услублари ҳақида қўллаб маълумотлар олдик, — дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Зарина Номозова. — Таълим соҳасида қабул қилинган қонунлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тушунчаларга эга бўлдик. Бу биз, бўлажак соҳа вакилларига жуда фойда беради.

Шунингдек, ёшлар Олий Мажлис тарихи акс этган музей, парламент кутубхонаси ҳамда қонунлар қабул қилинадиган катта мажлислар зали билан яқиндан танишди.

«Халқ сўзи».

Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларини замонавий қиёфага келтириш, йўл ва сув инфратузилмасини яхшилашга 1 млрд. 600 млн. доллар ажратилади.

# МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда кейинги йилларда шахсларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди.

Кунги кеча қабул қилинган Президентимизнинг "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Фармони аниқ йўналишдаги ишларимизни мутлақо янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятлидир.



Сир эмаски, бугунги кунда оилавий ажралишлар масаласида эрта никоҳ омилининг ҳам салмоқли ўрни бор. Чунки ҳали балоғат ёшига етмаган, ҳаётнинг паст-баландини тушунмаган ёшларни никоҳлаб қўйиш уларнинг турмуш қийинчиликларига бардош беролмай ажралишига сабаб бўлмоқда.

Фармонда айнан шу жиҳатларга барҳам бериш мақсадида эндиликда никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши, ҳатто бундай ҳолатлар ҳақида хабар берган фуқароларни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган.

Мустаҳкам ва масъулиятли оилаларни рағбатлантириш мақсадида 21 ёшдан кейин онгли равишда оила қурган йигит-қизлар учун қўшимча имтиёзлар, молиявий қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилади.

Ҳужжатда алоҳида эътибор қаратилган яна бир йўналиш — тазйиқ ва зўравонликка қарши кескин кураш. Энди ҳимоя ордери берилган аёлларга "SOS" тизими орқали тезкор ёрдам чакори имконияти яратилади. Зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жазо чораларининг қатъийлаштирилиши, тергов ва суд жараёнининг махсус тайёргарликдан ўтган мута-

хассислар томонидан олиб борилиши эса "Инсон қадрини улуғлаш, айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳадаги ишлар ривожини йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси.

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИНГ АНИҚ ВА ТИЗИМЛИ ЖАВОБИ

Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳадаги ишлар ривожини йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат оддий ҳуқуқий янгилик эмас, балки жамиятдаги оғриқли масалаларга аниқ ва тизимли жавобдир. Чунки нормал жамиятда аёл кишининг қадрини камситилмайдиган. Бордию шундай ҳолат юз берган тақдирда барча институтлар уни ҳимоя қилишга отланиши зарур. Шу маънода, ҳуқуқ-тартибот ва оқил судлов тизимларининг вазифалари ҳам аниқ белгилан берилди.



Фармонда шу пайтга қадар қонунчилигимизда жазо белги-ланмаган баъзи ҳолатларга ҳам аниқлик киритиш назарда тутилган. Хусусан, Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан биргаликда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар ва илгор хорижий амалиётни ўрганган ҳолда хотин-қизларнинг аниқ жинси сабабли қасддан ўлдириш (фемисид), оила аъзоларини қасддан ўлдириш (фамилицид), шахсини унинг эркига қарши равишда ноқонуний тазйиқ қилиш (сталкинг), интернет ёки ижтимоий тармоқларда содир этиладиган зўравонлик (киберзўравонлик), вояга етмаган шахслардан жинсий фойдаланиш ҳамда шу мақсадда интернет орқали вояга етмаган шахснинг ишончини қозониш (онлайн груминг) учун қонунчиликда жавобгарлик белгилаш кўзда тутилган.

Ушбу мақсадларни амалга оширишда оқил судловни таъминлаш учун 2026 йил якунига қадар ҳар бир ҳудуддаги иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда камида 1 нафар терговчи ва судья халқаро стандартларга асослан-

ган дастур асосида махсус тайёргарликдан ўтказилиши, улар томонидан аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ҳамда зўравонликка оид ишлар тергов қилиниши ва қўрилишини таъминлаш мустаҳкамланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг жинсий эркинликка қарши қатор моддалари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни фақат прокуратура органлари амалга ошириши белгиланди. Бу процессуал ваколатларни марказлаштириш орқали далилларни йиғиш ва баҳолаш сифатини яхшилаш, жиноятларнинг латентлигини камайтириш ҳамда жабрланувчиларни самарали ҳимоялашга хизмат қилади. Судлар эса бундай тоифадаги ишлар бўйича адолатли суд муҳокамаси, шахсий ҳаёт дахл-эркига қарши равишда ноқонуний тазйиқ қилиш (сталкинг), интернет ёки ижтимоий тармоқларда содир этиладиган зўравонлик (киберзўравонлик), вояга етмаган шахслардан жинсий фойдаланиш ҳамда шу мақсадда интернет орқали вояга етмаган шахснинг ишончини қозониш (онлайн груминг) учун қонунчиликда жавобгарлик белгилаш кўзда тутилган.

Ушбу мақсадларни амалга оширишда оқил судловни таъминлаш учун 2026 йил якунига қадар ҳар бир ҳудуддаги иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда камида 1 нафар терговчи ва судья халқаро стандартларга асослан-

Гулнора МАБҲУРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

# АЁЛ - ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ, БОЛА - МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Президентимизнинг "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат тамойилларини амалда таъминлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Унда мамлакатимиз қонунчилигида илк бор аёл ва бола ҳуқуқининг маънавий асослари муфассал белгилаб берилмоқда. Эрта никоҳ ва вояга етмаганлар ўртасидаги никоҳ ҳолатларининг олдини олишга қаратилган янги чоралар жорий этиляпти. Хусусан, никоҳ ёшини пасайтиришга доир истисно ҳолатларини қўллаш тартиби янада қатъийлаштирилади. Бунда ҳар бир ҳолатда ёшларнинг ҳуқуқий, жисмоний ва руҳий манфаатлари устувор мезон сифатида баҳоланади. Эрта никоҳ кўпинча таъминнинг зулими, каби хавфли ҳолатларга нисбатан қонунчиликни янада тасо-миллаштириш, жазо чораларини кучайтириш кўзда тутилган.



Яна бир муҳим жиҳати — ҳомилалар ёки фарзанд тарбияси билан шугулланаётган талаба-қизлар учун "иккинчи имконият" яратилаётганидир. Ёш она-ларнинг таълимдан зулими қол-маслиги учун масофавий ўқиш имконияти, академик таътил дав-рида қўллаб-қувватлаш жорий этиляптгани — бу аёлнинг на-фақат она, балки билимли ва мустақил шахс сифатида шакл-ланишида катта имконият.

Умуман, мазкур ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши хотин-қиз-лар ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирилиши соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини кўпайтиришига, миллат генофонди-ни сақлашга хизмат қилиб, бу бо-рада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Ҳужжатда 16 ёшгача бўлган қизларда ҳомилаларлик ҳолатла-ри аниқланган тақдирда, бу ҳақда тегишли органларга ахборот бе-риш мажбурияти белгиланмоқда. Бу орқали аширин ҳолатларни барвақт аниқлаш, жиноят тарки-бини ўз вақтида баҳолаш ва жа-брланувчини ҳимояга олиш механизми кучайтирилади. Маз-кур тартиб ҳуқуқбузарликларни "оилавий масала" сифатида аши-риш амалиётига қар қўяди. Ўз

навбатда, бундай жиноятлар ҳақида хабар берганлик учун ра-ғбат механизми ишлаб чиқилади. Эрта никоҳни ёки вояга етма-ганлар ўртасидаги мажбурий му-носабатларни яширган мансаб-дор шахсларга нисбатан маъму-рий жавобгарлик чоралари ку-чайтирилаётгани алоҳида аҳа-миятга эга. Бу давлат органлари ва таълим муассасалари зиммаси-га юклатилган масъулиятни яна-да оширади.

Ҳужжатда таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашга қарати-лган муҳим янгиликлар ҳам на-зарда тутилган. Жумладан, ҳо-милалар талабалар ёки уч ёш-гача фарзанди бор аёлларга таълимни узлуксиз давом этти-риш учун қўшимча имкониятлар яратилади. Масофавий таълим шакллари кенгайтириш, ака-демик таътил бериш тартибини соддалаштириш, индивидуал ўқув режаларини қўллаш каби механизмлар жорий этилади. Ушбу ўзгариш аёлларнинг билим

олиш ҳуқуқини реал кафолатлаб, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Зўравонлик ҳолатларига қарши курашиш борасида ҳам мутлақо янги ёндашув белгила-нмоқда. Хусусан, ҳимоя ордери берилган аёллар учун тезкор ёрдам чакори тизими — махсус мобил иловалар орқали "SOS" сигнални юбориш имконияти жо-рий этилади. Бу механизм хавф туғилган вазиятда зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-ларни хабардор этишга имкон беради. Натيجида зўравонлик оқибатларини бартараф қилиш

ши ҳам белгиланган. Бу ёнда-шув жиноятни фақат жазолаш билан чекламасдан, унинг ил-дилларини аниқлаш ва келгуси-да такоррланишининг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятли. Психологик коррек-ция дастурлари жорий қилини-ши эса зўравонликка мойил шахслар билан тизимли ишлаш имконини беради. Фармон билан жиноят ва маъ-мурий қонунчиликка киритилаёт-ган ўзгаришлар орқали жисмо-ний, руҳий ва иқтисодий зўра-вонлик учун жавобгарлик чорал-лари аниқлаштирилмоқда. Айни-қса, педофилиядек жирканч ил-

латга умрбод қамоқ жазоси қўллаш назарда тутилаётгани, такоран содир этилган зўравон-лик ҳолатларига нисбатан жазо чораларининг кучайтирилиши аниқ халқимиз кўнглидаги гап бўлди.

Эмас, балки унинг олдини олиш-га қаратилган профилактик ти-зим кучаяди. Шунингдек, зўравонлик со-дир этган шахсларни мажбурий руҳий диагностикадан ўтказиш бўйича тартиб ишлаб чиқили-

Эндиликда аёллар ва бола-ларга оид ишлар бўйича икти-сослашган терговчилар ва судьялар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Амалиёт шунинг кўрсат-мадики, бундай ишлар умумий тартибда қўрилганда жабрланув-чининг руҳий ҳолати етарлича инобатга олинмаслиги мумкин. Иктисослашув эса адолатли ва сифатли тергов ҳамда суд муҳо-камасини кафолатлайди.

Шунингдек, фармон талабига кўра, давлат органлари, фуқаро-лик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни кучайти-риш вазифаси қўйилмоқда. Бу жамоатчилик назоратини оши-риш, ҳуқуқий маданиятни юксал-тириш ва зўравонликка нисбатан муросасиз ижтимоий позицияни шакллантиришга хизмат қилади. "Адолат" социал-демократик партияси ўз дастурий мақсадла-рида ижтимоий адолат, тенг ҳуқуқлилик ва қонун устуворли-гини таъминлашни устувор ва-зифа, деб билади. Мазкур фар-мон айнан шу тамойилларни амалда қарор топтиришга хизмат қилаётгани билан биз учун гоё аҳамиятли.

Аёл — жамият таянчи, бола — миллат келажаги. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинма-ган жамиятда барқарор тарақ-қиёт ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Шу маънода, мазкур фар-мон нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки маънавий-сиёсий аҳа-миятга эга стратегик қарор ҳисоб-ланади.

Робохон МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси раҳбари.

# РИВОЖЛАНИШНИНГ БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Маҳалла — халқ билан давлат ўртасидаги кўприк, жамият барқарорлиги ва тараққиётининг таянч нуқтаси. Шу боис мамлакатимизда ушбу ноб тузилмани ривожлантиришга устуворлик берилаётди. Бу борадаги кенг қамровли ўзгаришлар туфайли маҳалла нафақат ижтимоий бирлик маскани, балки иқтисодий фаоллик, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этишининг асосий бўғини сифатида шаклланимоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил давлат дастури маҳаллада "муаммодан — ечимга", "ташаб-бусдан — натижага" тамойилини амалда қарор топтиришга қаратилган комплекс чора-тад-бирлар мажмуасини ўз ичига олади. Дастурда белгилангани-дек, бу йил 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари ишга ту-ширилиши натижасида қўшимча 100 мингта янги иш ўрни яратилади. Бу кўрсаткичлар ма-лхалланнинг иқтисодий салоҳияти-ни тўлиқ ишга солишга қарати-гани билан аҳамиятли, албатта.



Микросаноат, хунарандчи-лик, хизмат кўрсатиш марказла-ри ва кичик ишлаб чиқариш кор-хоналари ташкил этиш орқали аҳолининг доимий даромад ман-баи яратилади. Шунингдек, 263 минг оилани камбағаллик-дан қичариш, ишсизлик даража-сини 4,5 фоизгача камайтириш кўзда тутилган. Шу тариқа ма-ғалла иқтисодий ислохотларнинг реал амалга оширилаётган май-донига айланади.

Маҳаллалар инфратузилмаси-ни такомиллаштириш учун йўналтирилаётган йирик миқ-дордаги маблағлар маҳалла марказларини шакллантириш, микросаноат ҳамда хизмат кўрсатиш марказлари барпо этиш, кичик бизнесорлар ва ишлаб чиқариш объектларини қуриш, касб-хунард ҳамда хорижий тил курсларини йўлга қўйиш, ички йўллари таъмирлаш, ободон-лаштиришга сарфланади. Булар-нинг барчаси маҳаллаларга "Янги Ўзбекистон қиёфаси"ни олиб кириши билан доққатга са-зовор.

Эндиликда маҳаллалар ўз му-аммоларини мустақил ҳал эти-ши учун молиявий имкониятлар кенгайтириладиган бўлди. Жум-ладан, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида тузилган тегиш-ли жағмарга йилга қўшимча 300 млрд. сўм маблағ тушири-лиши муаммолар ечимида му-ҳим ўрин тутаяди. Натижанда кўплаб маҳаллаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди, ички йўллар шағаллаштирилади, саломатлик йўлакчалари, бола-

лар майдончалари барпо қили-нади. Энг муҳими, маблағлар сарфи бўйича ҳар чоракда оммага очик ҳисобот бери бори-рилиши билан бирга, жамоатчи-лик назорати ҳам ўрнатилди.

Яна бир муҳим жиҳат: аҳоли муаммоларини ҳал этишда му-тлақо янги тизимга ўтилади. Му-аммолар хонадонбай ўрганилиб, бу ишга юздан зиёд давлат органлари тўғрисида тўғри жалб қилинади. Ҳар бир мурожаат бўйича аниқ мuddатда натижа талаб этилади. Бу тизим идора-ларро ҳамкорликни кучайтириб, бюрократик тўсиқларга барҳам беради ҳамда аҳолининг давлат-га ишончини янада мустаҳкам-лайди.

Асосий эътибор олис худуд-лардаги маҳаллаларга қарати-либ, улардаги 300 мингдан зиёд аҳолининг ижтимоий фаоллиги-ни ошириш чоралари қўрилади. "Бир қадам" тамойили асосида фуқаролар учун маҳалланинг ўзида 500 га яқин давлат ва банк хизматлари кўрсатиш амалиёти жорий этилади.

"Маҳалла етилиги" фаолия-тини такомиллаштириш учун алоҳида ёндашув асосида иш ташкил қилинади. Фуқаролар йиғини раиссининг роли ошири-лади, ваколатли вакилларга ма-ҳалла вазифасига дахлдор бўлмаган топшириқлар юклash таъкидланади. Самардорлик кўрсаткичлари эса натижадор-ликка қараб баҳолаб борилади.

Шу билан бирга, жорий йил давомида "Маҳалла — лойи-ҳам" дастури доирасида ҳар бир маҳаллада йилга камида 1-2 та ташаббусли лойиҳа амалга оши-рилиши эса аҳоли фаоллигини янада юксалтириш ҳамда жа-моавий масъулиятни кучайти-ришга хизмат қилади.

Гулчехра ЖўРАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



# ИСТИҚБОЛГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига амалга оширган ташрифи вилоят тараққиётининг янги босқичига пойдевор ясаган, айниқса, ёшлар келажаги учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очиб берган тарихий воқеалик бўлди.

Давлат раҳбарининг ҳар бир сўзи, ташаббус ва режалари вилоят аҳлини янги марралар сари руҳлантириб, хусусан, ёш авлод қалбига катта ишонч уйғотмоқ-да. Бугунги кунда ўғил-қизлар-нинг таълим олиши, замонавий касб эгаллаши ва етук мутахас-сислар бўлиб етишиши давлат сиёсати даражасида устувор вазифа сифатида қаралаётгани мени жуда қувонтиради.

Давроке, сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари, саноат ва инфратузилманинг ривожланиши ёшлар учун мингглаб янги иш ўринларини яратиб бе-раётди. Бу, ўз навбатида, улар-нинг ўз билим ҳамда салоҳия-тини айнан Сурхондарё раван-қиға йўналтириши учун мустаҳ-кам асос бўлмоқда. Зеро, иш билан банд ёш — барқарор оила, барқарор жамият дегани.

Айниқса, таълим соҳасидаги ислохотлар ёшлар тақдирини ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мак-таблар ва боғчалар қамрови-ни кенгайтириш, қўшимча ўқув ўринларининг яратилиши кела-жак авлоднинг рақобатбардош бўлиб улғайишига хизмат қила-ди. Мен учун энг қувонарлиси, давлат сиёсатининг марказида ёшларни билимли, касб-хунард ҳамда замонавий фикрлай-диган шахс сифатида шакл-лантириш мақсади тургандир. Юртбошимиз ташаббуси билан вилоятда хорижий тиллар



устида ишлашга ундайди. Чун-ки улар ўз меҳнати ҳамда ғоялари давлат даражасида қўллаб-қувватланишини юрак-дан ҳис қилади. Давроке, сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари, саноат ва инфратузилманинг ривожланиши ёшлар учун мингглаб янги иш ўринларини яратиб бе-раётди. Бу, ўз навбатида, улар-нинг ўз билим ҳамда салоҳия-тини айнан Сурхондарё раван-қиға йўналтириши учун мустаҳ-кам асос бўлмоқда. Зеро, иш билан банд ёш — барқарор оила, барқарор жамият дегани.

Айниқса, таълим соҳасидаги ислохотлар ёшлар тақдирини ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мак-таблар ва боғчалар қамрови-ни кенгайтириш, қўшимча ўқув ўринларининг яратилиши кела-жак авлоднинг рақобатбардош бўлиб улғайишига хизмат қила-ди. Мен учун энг қувонарлиси, давлат сиёсатининг марказида ёшларни билимли, касб-хунард ҳамда замонавий фикрлай-диган шахс сифатида шакл-лантириш мақсади тургандир. Юртбошимиз ташаббуси билан вилоятда хорижий тиллар



Лайло НУРУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

# СЎЗИ, ЎЙИ, АМАЛИ — ИБРАТ

Вақт, давр ҳам тинган сув каби борлиқ тартибда сараланади, ўз баҳосини олади. Бугунги кунда ўзбек фольклоршунослиги ҳам бир асрлик бўғиндан ўтиб, янги марраларни кўзлаб, одимламоқда, керакли баҳони олишга муносиб. Хар бир ҳолатда асосчи, биринчи деган тушунчалар бор, фольклоршунослик ҳам бу тартибдан сиртда эмас. Фольклоршунослигимиз асосчиси деб Ҳоди Зарифни ҳаммамиз тан оламиз. Соҳанинг биринчи ва ҳозирча ягона академиги эса Тўра Мирзаев хисобланади.

## Яхшилар ёди



Тўра Мирзаев — ўтган асрнинг 60-йилларида соҳага кириб келган фольклоршуносларнинг иккинчи авлод вакили. Бу даврда фольклор асарларини ёзиб олиш, нашр этиш борасида маълум тажрибалар тўпланган, хали халқ орасида бахши-шоирларнинг аъёнлари ўзанида тарбия топиб, суяғи қотган бир қатор вакиллари куч-қудратдан қолмаган, қуйлашда давом этаётган эди. Ҳ. Зарифов ва В. Жирмунскийнинг "Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" китоби мағзида келган назарий қарашлар, гоёлар барча фольклор тадқиқотларига улги бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турар, Тўра Мирзаев эса фольклор асарларини ёзиб олиш, нашр ва тадқиқ этишда айнан устозлар йўлидан борди.

Олим илм йўлига қирар экан, ўтган асрда фани елкасида ортоқолаб, халқ манфаатлари йўлида беминнат курашган Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Ҳоди Зариф каби ўнлаб зиллар билан юзма-юз келди, бу улғу зотларнинг ҳаёти, фаолияти унга маёқдек ибрат намунаси бўлди.

Тадқир Тўра Мирзаевни ўзбек фольклорининг ҳодисиси — Ҳоди Зарифга рўбарў қилди. Илмий иш учун мавзулар саналди, устозу шоғирд "Алпомиш" достонида тўхтади. Мавзунини муаллифгина танламайди, мавзу ҳам тадқиқотчини саралайди, деганлари рост экан. Шу-шу Тўра Мирзаевнинг ҳаёт, ижод йўли "Алпомиш" достонига боғланди.

"Алпомиш"дек алп эпос ёш тадқиқотчининг алп олим бўлиб шаклланишида таянч вазифасини бажарди. "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари" деб номланган номзодлик мавзунини ишлаш давомида Хатирчи туманидаги Ёнбош қишлоғида истиқомат қилувчи Эгамберди Олломурад ўғлидан (М. Муродов билан биргаликда), Тожикистоннинг Данғара туманидаги Қўшқия қишлоғида яшовчи Аҳмаджон Соибназаровдан достоннинг тўлиқ, Ховос туманининг Қўшқанд қишлоғида турувчи Исо Янгибой ўғлидан мазмунини ёзиб олиб, фольклор архивида мавжуд муқобиллар қаторига қўшиб, ўз тадқиқотига жалб этди.

тонни ёзиб олар эканмиз, бу борада бахши билан ҳам очик гаплашганмиз. "Сизнинг "Алпомиш"ингиз ҳам яхши, аммо Фозил шоирнинг варианты балан ва мукамал", деб Фозил шоирдан: "...Гул кетар бўлса гулистон эграран, Юрти вайрон бўлса сўстон тебраран. Мол борида ҳамма одам дўст эди, Бошдан давлат қайтса, тўғон эграран..." парчасини бахшига ёддан айтиб бердим. Шунда раҳматли: "Шу парчани меннинг "Алпомиш"имга ҳам қўшиб қўйинг, унутибман", деб илтимос қилди. То бахшининг олдидан қайту-нимизча "Қўшқингизми", деб сўрашдан чарчамади. Мен, охири қўшдим, деб кутулдим. Чинакам бахшининг сўз қадрини, бадииятини ўта нозик ҳис этишини шунда аниқ сездим", деганди олим.

Диссертация асосида чоп этилган "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари" китоби ўзбек фольклоршунослигининг назарий савияси юқори босқичга кўтарилганини кўрсатди, нафақат ҳамкасблар, балки чет эллик фольклоршунослар эътирофига ҳам сазовор бўлди.

Тўра Мирзаев устози Ҳоди Зариф билан номзодлик диссертациясини ишлаш давомида илмнинг паст-баландини, тадқиқотчи нимани ёзиб, нималардан воз кечиш кераклигини ўрганди. Олимнинг навбатдаги фундаментал тадқиқоти "Халқ бахшиларининг эпик репертуари" ҳам устозларнинг ўғитлари асосида дунёга келди. Китоб бахшичилик санъатининг ахил тизим сифатида тасаввур этиш имконини беради. Бахши-шоир ким, бахшининг эпик асарларни қуйловчи ва сақловчи ижодкор экани, ўзбек достончилик мактаблари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, бахши репертуари, достон қуйлаш тартиби, бахши тайёрлаш, устоз-шоғирлик муносабати, аъёна ва бадиҳағўйлик, ижрочи тиллари, бахши ва тингловчи алоқаси ҳамда бахшиларнинг эстетик қарашлари каби

фундаментал масалалар бу асар моҳияти, мазмунини ташкил қилади. Илм-фанимиз фидойиси ҳамкасблари билан ҳамкорликда "Ўзбек халқ ижоди" ўттиз етти жилдининг дунё юзини кўришида иштирок этди, лойиҳанинг муносиб якунланишига бош-қош бўлди. Атоқли шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридан ташкил топган беш жилдлик "Булбул тароналари", икки жилдлик "Эргаш Жуманбулбул ўғли" тўплами ҳамда "Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни" мақолалар китоби учун Ҳ. Зариф, М. Афзал, М. Алавия, Ш. Шоабдураҳмонов, Э. Хусайнов ва билан биргаликда Давлат мукофотига лойиқ топилди.

Т. Мирзаевнинг рус тилида чоп этилган "Эпос и сказитель" китоби юксак академик усулда ёзилган. Академик йўналишидаги тадқиқотлар ҳамма вақт ҳам кенг омма назарига тушавермади. Лекин илмнинг бу иморатисиз фан ривож топмайди. Олим умр бўйи Фанлар академиясида ишлаётгани учунгина академик усулни танлаган эмас. У бунда ўзбек фольклоршунослиги аъёнларини барқарор давом эттириш, дунё миқёсига олиб чиқиш мақсадини кўзлаган. "Эпос и сказитель" мустақилликдан кейинги рус тилида эълон қилинган йирик тадқиқотлардан бири бўлгани учунгина алоҳида ажралиб турмайди. Китоб олимнинг қарийб эллик йилга яқин илмий изланишлари сарҳисоби сифатида ҳам қимматли. Ҳозирги кунда ҳам чет эллик ҳамкасбларимизнинг "Эпос и сказитель"га бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётгани фикримизни тасдиқлайди. Илм ҳамж билан белги-ланмайди. Базан бир жумлада ай-тилган фикр бутун соҳа йўналишини белгилаб беради. Олимнинг мазкур китобида ана шундай ўйлашга, фикр-лашга ундоғчи ўринлар кўп.

Тўра Мирзаевнинг устоз Ҳоди Зариф ҳаёти, ижоди, салафлари, ҳамкасблари ва шоғирдлари билан боғлиқ воқеа ва тафсилотларни жамла-

ган "Ҳоди Зариф сўхбатлари" китоби илмий оммабоп усулда ёзилган. Китобда бир шоғирдининг ўз устозига бўлган садоқати, меҳри кўринади, дейилса, камлик қилади. Китобни ўқиш давомида "маданиятимиз тарихи учун жуда муҳим, аммо ҳеч қаерда ёзилмаган, ҳужжатларда қайд этилмаган, архивлардан ҳам топиш мумкин бўлмаган маълумотлар" билан танишамиз. Ҳоди Зариф ёзиб улгурмаган, лекин сўхбатларда айтган қимматли илмий фикрлар, у ёки бу факт ёки ҳодисага муносабатлари орқали олим шахсини қайта кашф этамиз. Муаллифнинг: "Мен аслида рисола муаллифи эмас, домланинг у ёки бу масалаларга доир оғзаки мулоҳазаларини, устозларни ва сафдошлари ҳақидаги баҳоларини эшитган киши сифатида уларни бир-бирига улаб, китобхонга етказувчи воситачином, холос", дейишида жон бор. Сўхбатларда келтирилган Ҳоди Зариф, унинг устозлари ва сафдошлари ҳаётидан сўзловчи лавҳалар орқали ўзбек фольклоршунослиги тарихидан баҳардор бўламиз.

"Хар бир инсоннинг ҳаёти ва фаолияти ўзига хос, қизиқарлидир. У умри давомида нималаргадир эришади, нималарнидир бажариши режалаштиради, нималаргадир улгурмай қолади. Бажарганларидан мамнунлик, улгурмай қолганларидан ўқиб қайфияти билан яшаш ва ишлашда давом этади. Эҳтимол, инсондаги ана шундай етиштирилган унинг янги, қандайдир бошқа ишларни бошлашига ва имконияти доирасида уни амалга оширишга ундаб турса керак". Олимнинг "Ҳоди Зариф сўхбатлари" кириш сўзига ёзган бу фикрлари фольклоршуносликда, умуман, илм соҳасида маълум бир хулосага келган кишининг фикрларидир.

Устоз Тўра Мирзаев ўз сўзи ва ҳаёти билан ёлгонлардан, эгри йўллардан сақланди, биз, шоғирдларга муносиб ибрат йўлини қолдирди. Қадим биткида айтилган: "Сўзи, ўйи, амали бир" бўлган ибрат намунасини кўрсатди.

**Шамирза ТУРДИМОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор.

## Кашфиёт

# Зоология фанида муҳим янгилик

Ўзбекистон ҳудудида бўри ўргимчаклар (*Lycosidae*) оиласига мансуб мулқоқ янги тур қайд этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси маълум қилди.

Хоразм Маъвун академияси таънч докторанти М. Бектурсунова, илмий раҳбар, профессор И. Абдуллаев ҳамда Россия Фанлар академиясининг Зоология институти олими Д. Логунов ҳамкорлигида олиб борилган ушбу тадқиқот натижаларига кўра, янги тур Қорақалпоғистон Республикасининг Устюрт платоси шарқий қисмида — Борса-келмас ботиғи ҳудудида аниқланган.

Фан учун тавсифланган янги тур — "Каракумоса устюртиса", деб номланди. Тур номи Устюрт платоси номидан олинган бўлиб, унинг тип ҳудудига боғлиқлигини билдиради.

Маълумотларга кўра, ҳолотип намунаси 2025 йил июль ойида йиғилган. Намуналар морфологик ва таксономик таҳлиллар асосида ўрганилган. Тип намуналар Россия ФА Зоология институти коллекциясида сақланмоқда. Эътиборлиси, мазкур кашфиёт билан Каракумоса жинсига мансуб турлар сони 19 тага етди.

Дарвоқе, тадқиқот натижалари Буюк Британияда чоп этиладиган нуфузли "Agachnology" журналыда эълон қилинди. Бу янгилик Ўзбекистон зоология илм-фани учун муҳим қадам бўлиб, мамлакатимиз биохимлаҳиллигини ўрганиш борасидаги изланишлар давом этаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

«Халқ сўзи».

# САНОАТЛАШАЁТГАН МАНЗИЛЛАР ЖОЗИБАСИ

Олис ҳудудларни қўя турайлик, Навоий шаҳрига туташ қадимий Кармана аҳолиси ҳам қатор замонавий қулайликлардан четда қолган, шўро даврида мамлакат харитасидан чиқарилган. Яқин вақтларгача хатто навоийликлар ҳам уни "Эски шаҳар" дея аташарди. Кўчаларнинг торлиги, ижтимоий инфратузилманинг эскиргани, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг етарли эмаслиги аҳолига йиллар давомида қийинчилик туғдирди.

Туман марказий шифохонаси 1922 йилда қурилган бинода жойлашган. — дейди шифокор Бобохон Фафоров. — Бир қаватли, тор ва қоронғу йўлақлар, голланд печлари билан иситиладиган палаталарда қарийб юз йил давомида тиббий хизмат кўрсатилди. 2019 йилда эски бинолар ўрнида янги иншоотлар барпо этилди. 200 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника, қабул ва тез ёрдам бўлими, туғруқхона, болалар бўлими, чақалоқларни интенсив даволаш хоналари, жарроҳлик ва жонлантириш бўлиmlари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

## Янги режалар ва имкониятлар

Навоий вилоятидаги мавжуд имконият ва ресурслар ҳамда салоҳиятини ишга солиш орқали муаммоларга барҳам бериб, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини янада ошириш мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътибор марказида. Хусусан, 2024 йил 12 декабрда "Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилиниб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий таракқиётини жадаллаштириш, тадбиркорларга янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, инвестицияларни жалб этиш, ҳар бир туман ва шаҳарни иқтисодий-иқтисодий келиб чиқиб ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ва турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича 17 иловадан иборат чора-тадбирлар белгиланган эди. Орадан роса бир йилу икки ой ўтиб, жорий йилнинг 11 февраль кунини яна бир тарихий ҳужжат — қирқ банддан иборат қарор имзоланди.

Унга кўра, Навоий вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш ҳамда лойиҳавий ёндашув

асосида иқтисослашувни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, оғир тоифадаги Конимех ва Навбахор туманлари, камбағаллик даражаси юқори 12 та оғир тоифадаги маҳаллада аҳоли яшаш ва тадбиркорлик фаолияти учун қўлай муҳит ташкил этилади. Вилоятдаги 40 та маҳаллада иқтисослаштириш мақсадида ушбу ҳудудларга 60 та тик қудуқ казиви, трансформатор ўрнатиш, электр тармоқлари тортиш ҳамда сугорилиш тармоқларини бетонлаш ишлари режалаштирилган.

Қарорда Кармана туманида туризм инфратузилмасини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ташкент шаҳрининг Олмазор тумани



1972 йилда ташкил этилган "Ёшлик" қўлининг инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация тармоғи ҳам маънан, ҳам техник жиҳатдан эскирган. Кўл суви охириги мартта 2008 йилда тўлиқ алмаштирилган. — дейди вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Алишер Турдиев. — Лойиҳа доирасида кўл атрофида иккита — пляж ва хизмат кўрсатиш зонаси барпо этилиши, атрофининг ободонлаштирилиб, замонавий қиёфага келтирилиши кўзда тутилган. Келгусида ҳудудда 1,5 миң аҳоли учун мўлжалланган 8 миң квадрат метрлик табиий пляж, ёшлар ва катталар учун замонавий аквапарк, 300 дан ортиқ хизмат ва сервис объектлари ташкил қилинади. Бу чора-тадбирлар 2 миңга яқин янги иш ўринлари яратиш ва бюджетга йиллик ўртача 40,5 млрд. сўм тушум келтириш имконини беради.

## Навқирон sanoat шахри

Навоий шаҳри ҳақида "мангу нақирон шаҳар" деган таъриф беҳиз ай-тилмаган. Навқирон шаҳар икки йилдан сўнг асос солинганлигининг етимиш йиллигини нишонлайди. Уша пайтга келиб қарийб 1100 гектар майдонда "Янги Навоий" лойиҳаси асосида мулқоқ янги қиёфадаги шаҳарча қад ростлайди. Айна пайтда шаҳарнинг Ёшлик маҳалласидаги 19 гектарлик майдонда Навоий давлат университетининг янги кампуси қурилиши олиб бориламоқда.

— Муассасамизнинг янги кампуси қурилишини 2027 йилга қадар ниҳоясига етказиш режалаштирилган, — дей-

ди НДУ ректори вазифасини бажарувчи Муҳиддин Калонов. — Шаҳарчада 12 миң ўринли ўқув бинолари, 2 400 ўринли талабалар тураржойи, спорт иншоотлари, амфитеатр, сайилгоҳ, замонавий ўқув лабораториялари, музей, илмий-тадқиқот ва коворкинг марказлари, кутубхона, очиқ ва ёпиқ бассейн ҳамда бошқа инфратузилмага эга замонавий бинолар қурилади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, 1958 йилда асос солинган Навоий шаҳри яқин орада бу қадар кенг қўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлган эмас. Табиийки, қури-лаётган замонавий ва ҳашаматли имо-ратлар шундоғам навқирон Навоий шаҳрини янада ёшлатиб юборади.

— Навоий шаҳридаги 1972 йилда ташкил этилган "Ёшлик" қўлининг инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация тармоғи ҳам маънан, ҳам техник жиҳатдан эскирган. Кўл суви охириги мартта 2008 йилда тўлиқ алмаштирилган. — дейди вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Алишер Турдиев. — Лойиҳа доирасида кўл атрофида иккита — пляж ва хизмат кўрсатиш зонаси барпо этилиши, атрофининг ободонлаштирилиб, замонавий қиёфага келтирилиши кўзда тутилган. Келгусида ҳудудда 1,5 миң аҳоли учун мўлжалланган 8 миң квадрат метрлик табиий пляж, ёшлар ва катталар учун замонавий аквапарк, 300 дан ортиқ хизмат ва сервис объектлари ташкил қилинади. Бу чора-тадбирлар 2 миңга яқин янги иш ўринлари яратиш ва бюджетга йиллик ўртача 40,5 млрд. сўм тушум келтириш имконини беради.

Шунингдек, қарорда Навоий шаҳридаги иситиш тармоқлари 50 — 60 йилдан бери фойдаланиб келинаётгани ва хизмат муддати тугагани инобатга олин-



ган. Улар босқичма-босқич янгиланади. Бу нафақат аҳоли уй-жойларида, балки ижтимоий соҳа объектларида ҳам куз-қиш мавсумини беташвиш ўтказишни таъминлайди.

— Навоий шаҳри кимё sanoati, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик ва металлургия йўналишларида юқори устуликка эга, — дейди Навоий шаҳри ҳокими Дилмурод Эргашев. — Хусусан, Бунёдқор маҳалласида 7,6 гектар майдонда 2-кичик sanoat зонаси ва "Жанубий" МФИда 2 гектар майдонда "Ёшлар креатив иқтисодиёт зонаси" ташкил этилган. Бу ерда инфратузилма қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик ва металл парчаларини қайта ишлаш соҳаларида фойдаланилади. Шунингдек, аҳоли гавжум кўчаларда савдо-сервис, гастрономик ва туризм объектлари барпо этилиб, Янги Навоий шаҳарчасида 4 қаватли "NAVOIY CITY MALL" гипермаркети ҳамда 17 га майдонда "NAVOIY CITY PARK" қуриш имкониятлари яратилди.

Бундан ташқари, IT ва сунъий интеллект соҳасини ривожлантириш мақсадида 2026-2027 йилларда тажрибасини тарқатишда Навоий ва Зарафшон шаҳарларида умумтаълим мактабларида "Бир мактаб — бир IT сиф" тамойили асосида иқтисослаштирилган синфлар очилади.

## Иқтисодий ўсишнинг драйверлари

Нурота туманида каштачилик аёллар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда бу амалий санъат ҳудуднинг сайёҳлик жозибасини оширишда ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Айниқса, Нурота каштачилиги билан уйғунлашган харидорғир Бухоро зардўзлиги махсулотлари кун сайин хорижий сайёҳларнинг диққатини тортмоқда.

— Нурота амалий санъати, хусусан,



каштачилик ҳудуднинг табиатини ва маҳаллий аҳолининг орзу-истакларини ифода этади, — дейди франциялик сайёҳ Паскаль Махтинелли. — Санъат ва маросимларнинг қадим боғлиқлиги мана шу заминда сақланиб қолганидан дунёда ҳам ўчрайдиган ҳолат. Албатта, бу жуда катта тадқиқот манбаи. Чўқурроқ тадқиқ этилса, санъат тарихи билан назарда тутувчи туристик йўналишлар ишлаб бўлиши мумкин.

Жорий йил якунига қадар Нурота тумани марказий истироҳат боғида "Нақшлар ва нурлар" миллий каштачилик маркази барпо қилиниб, "Чашма" зиёратгоҳи билан боғланган ягона туризм ҳалқаси ташкил этилади. Унинг доирасида хунармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги лойиҳалар амалга оширилади, сайёҳларнинг камида бир кун тунаб қолиши назарда тутувчи туристик йўналишлар ишлаб чиқилади.

— Туманимизда каштачилик нафақат санъат, балки тадбиркорлик кўринишида ҳам ривожланмоқда, — дейди Нурота тумани ҳокими ўринбосари Шухрат Вафоев. — Туман марказида миң нафардан зиёд қиз-жувонлар каштачилик билан шўғулланиб, ўзини банд этиб келмоқда. Чекка қишлоқ қизлари учун ижтимоий бандлигини таъминлаш мақсадида ўқув курслари ҳам ташкил этилган. Чевар аёллар Нурота каштачилик мактабининг аъёнларини йўналишларини Бухоро, Қашқадарё ва Тожикистон мактаблари услублари билан бойитиб, АҚШ, Туркия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардаги халқаро кўрсатмаларда қатнашиб келмоқда.

Имкониятлар энг олис ҳудудларда ҳам ўз самарасини бераётганига тоғлар бағридаги Сувлик қишлоғидан ми-

сол келтириш мумкин. Ушбу қишлоқда яқин-яқинларда аҳоли бандлигини таъминлайдиган бир мактаб ва бир ОШП бор эди. Бугун ушбу маҳаллада Хитой, Хиндистон каби мамлакатлар инвестицияси асосида учта корхона фаолият бошлаб, 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ўтган йил якуни билан яна иккитаси ишга тушиб, қишлоқдаги 18 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди ва маҳалла ишсизлигидан холи ҳудудга айланди.

Нурота туманида гранитни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларда таннархни камайтириш ҳамда қўшилган қийматли махсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида "Истиклол" МФИ ҳудудидаги 50 гектар ер майдонида "Нурота гранит парки" кичик sanoat зонаси, маҳалла ҳудудида пардозбоп тошлар базори ташкил қилинади. Ушбу базорда Хитойнинг Наньшан шаҳри тажрибаси асосида ҳомашё ва яримтайёр пардозбоп тош махсулотларини қайта ишлаш, савдога ва экспортга чиқариш тизими жорий этилади.

Шунингдек, "Нурфарх" МФИ ҳудудида 50 гектар майдонда гранитни қайта ишлаш кластери йўлга қўйилади.

Ушбу чора-тадбирлар вилоятнинг агро-саноат салоҳиятини ошириш, маҳаллий аҳолининг даромадини кўпайтириш ва қорвачиликда самарали бошқарувни йўлга қўйишга хизмат қилади. Шу билан бирга, туячилик ва йилқиччилик тармоғи ҳамда малакали хўжаликларнинг ривожланиши натижасида Нурота ва атроқ ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик таъминланади, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги ортади.

Темур ЭШБОВ («Халқ сўзи»).

## Жавоҳир Синдоров ҳар ҳафта сешанба оқшомида дунёнинг энг кучли гроссмейстерлари иштирокида ўтказиладиган «Titled Tuesday» онлайн блиц турнирида голибликка эришти.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 889 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўл ёзма таҳрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тарқатиш берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси махсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусаҳҳих — С. Исламов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.35 Топширилди —23.30 1 2 3 4 5 6